НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Навоий вилояти дастлаб, 1982 йил 20 апрелда Бухоро ва қисман Самарқанд вилоятлари ҳудудларидан ташкил этилган. 1988 йилда маъмурий бирлик сифатида тугатилиб, 1992 йил бошида қайта тикланди.

Айни кунга келиб, Навоий вилояти инновация ва юқори технологиялар асосида ривож топаётган, дунё иқтисодиётига дадил интеграциялашаётган ҳудуд ва маънавий-маърифий куч-қуввати жўш урган баркамол авлодлар юртига айланди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг меваси сифатида вилоят бугунги кунда, **аҳоли жон бошига** ялпи ҳудудий маҳсулот, унинг таркибидаги кичик бизнеснинг улуши, саноат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмлари бўйича **Республикадабиринчи ўринни**, қурилиш ишлари, кўрсатилган хизматлар ҳажми ва чакани савдо айланмаси бўйича **иккинчи ўринда**, маҳсулот ва хизматлар экспорти бўйича **учинчи ўринда**лигини Навоий вилоятида яшаётган турли миллат вакилларининг фидокорона меҳнати самараси эканлигини **алоҳида эътироф этиш жоиз.**

Вилоятдаги мавжуд йирик корхоналар билан кичик бизнес субъектлари ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланиши натижасида, **тадбиркорлик субъектлари** сони йилдан-йилга ортиб бормоқда, ўтган давр мобайнида кичик бизнес субъектлари сони **27047тани**ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан **3баробарга**оширишга эришилди.

Хизматлар соҳасида сўнгги беш йилда **11930та**янги тармоқлар ташкил этилиб, соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналар сони **10800тадан**ошди. Ушбу корхоналар томонидан **100данортиқ**хизмат турлари кўрсатилиб келинмоқда.

Эришилган ютуқлар натижасида республикада **ишбилармонлик муҳитини яхшилаш** бўйича вилоят етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Биргина, вилоятда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларининг **68фоизи**охирги 3 йилда ташкил этилганлиги бу борада фикримизнинг яққол исботидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг **16,4фоизи**, жумладан цементнинг **15,3фоизи**, кимё саноати маҳсулотларининг **20фоизи**, электр энергиясининг **13,3фоизи**айнан Навоий вилояти ҳиссасига тўғри келмоқда.

Таъкидлаганимиздек, ҳудудда Менделеев даврий жадвалидан жой олган барча маъданлар мавжуд. Шу боис ҳудудда кончилик, металлургия, кимё, энергетика, қурилиш материаллари барқарор ривожланган. “Навоий кон-металлургия комбинати”, “Навоийазот”, “Қизилқумцемент”, “Навоий иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятлари, "Навоийуран" ДК, "Akfa Extrusions" МЧЖ каби **йирик саноат қувватлари** фаолият кўрсатади. Уларда йилига **124,3трлнсўмдан**зиёд саноат маҳсулотлари тайёрланади.

Бугун уларнинг ёнига “Навпромлитмаш”, “Зарафшон ойна”, Карманада фотоэлектр, Томдида шамол электр станцияси каби ўнлаб йирик корхоналар қўшилиб, ҳудудларда ноанъанавий ишлаб чиқаришлар йўлга қўйилмоқда.

Вилоят инвестицион жозибадорлигининг ошиши катта кичик шаҳару қўрғонлардан тортиб, энг олис овулларда ҳам инвестиция лойиҳаларининг ишга туширилиб, маҳсулотлар экспортининг кўпайишига ҳамда янги иш ўринларини ташкил этилишига ва бунинг натижасида аҳоли даромадларининг ўсишига замин яратмоқда.

Хусусан, Навоий вилоятида 2018 йилнинг 1 январида **хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар** сони **62тани**ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони **240тадан**ошиб, қарийб **4баробарга**етди.

Кейинги йилларда бунёдкорликлар кўлами янада ошиб, вилоятда 2017-2024 йиллар давомида давлат дастурлари доирасида ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан умумий қиймати **5триллион821миллиардсўм**бўлган **681та**ижтимоий ва бошқа соҳа объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Хусусан, **327та** умумтаълим мактаби, **154та мактабгача таълим ташкилотлари,173та соғлиқни сақлаш объектлари, 27та**спорт комплекслари янгидан қурилиб ва капитал реконструкциядан чиқарилган.

Шунингдек, мамлакатимизда кейинги йилларда аҳолини хусусий **уй-жойлар билан таъминлаш** бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўз бошпанасига эга кишининг эртанги кунга ишончи мустаҳкам бўлади. Вилоятимизда ҳам кейинги беш йилда **293та**кўп қаватли уй-жойлар қурилиб, сўнги йилларда уй-жой қурилиши кўлами қарийб **2,5бараварга**ошди. Мазкур қурилишларга давлат бюджети ва тадбиркорлик субъектларининг маблағлари йўналтирилиб, **17904та**хонадонли арзон ҳамда тижорат уй-жойларининг калити ўз соҳиблари ихтиёрига топширилди.

Вилоятда 2025 йилнинг 1 январь ҳолатига мактабгача таълим ташкилотлари сони **1460тани**ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан **11баробарга**кўпайди.

Таълим ва тарбиянинг кейинги босқичи умумий ўрта таълимни ривожлантириш бўйича ҳам муайян ютуқларга эришилди. Чунончи, 2023-2024 ўқув йилида вилоятдаги **365та**мактабни **11662нафар**ўқувчи тамомлаб, шулардан **8223нафари**(**70,6 фоиз**) олий таълим муассасаларига талабаликка қабул қилинди. Бу республикадаги энг юқори кўрсаткич.

Навоий вилояти сўнгги йилларда Республикада етакчи бўлиб, таълим тизимига берилаётган эътибор алоҳида эътироф этилди.

Ўтган йилдан эътиборан Навоий давлат педагогика институтига **Навоий давлат университети** мақоми берилиб, таълим сифати ва самарадорлиги янада оширилгани ҳам эътирофли жиҳатлардан биридир.

Мамлакатимизда инсон ҳаёти учун муҳим ва зарур соҳалардан бири бўлган – соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, уни жаҳон талаблари даражасига кўтариш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Бугунги кунда вилоятда **11та**шаҳар, туман тиббиёт бирлашмаси, **11 та**кўп тармоқли марказий поликлиникалар, **46та**оилавий поликлиника, **97 та**оилавий шифокор пунктлари фаолият юритмоқда.

Республика ихтисослаштирилган марказлар билан ҳамкорликда мураккаб операцияларни вилоятнинг ўзида ўтказиш бўйича **Навоий тажрибаси** яратилди.

Бундан ташқари, **50нафар**юрак хасталиги бўлган ёшлар ҳомийлар ҳисобидан жарроҳлик амалиётлари ўтказилиб, соғломлаштирилди.

Навоийда вилоятлар ичида илк маротаба **3нафар**беморда буйрак трансплантацияси мувофаққиятли амалга оширилди.

Вилоятда сўнгги 5 йилда хусусий тиббиёт муассасалари сони **5баробар**кўпайиб, **263тага**етди.

Вилоятда 2023-2024 йилларда туризм соҳаси бўйича умумий қиймати **336,8млрд сўмлик**жами **97та**инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, шундан 2023 йилда умумий қиймати **59,6млрд сўмлик15 та,** 2024 йилда умумий қиймати **289,8млрд сўмлик28та**, жами**349,4млрд сўмлик43та** лойиҳалар амалга оширилди.

Натижада, 2024 йилда инвестиция дастурлари доирасида **13та**янги меҳмонхона, **3та**хостел, **6 та**дам олиш маскани, **6 та**ишга туширилиб, жами **300 га** яқин янги иш ўринлари яратилди. Вилоятда жами жойлаштириш воситалари сони **238тага етказилди**, шундан,**52та** меҳмонхона, **16та** дам олиш маскани, **41та** ҳостел, **7та** ўтовли лагер, **122та** меҳмон уйлари.

Вилоятнинг **“Сентоб”,“Лангар”** қишлоқларига **“Туризм қишлоғи”** мақомига эга бўлиб, вилоятда ички ва ташқи туризмни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

2024 йил давомида вилоятга **420 мингнафардан** ортиқ хорижий ва **2млн 485 минг**нафар маҳаллий сайёҳлар ташрифи кузатилиб, 2023 йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичи **2,6баробарга** ошди. Туризм экспорти ҳажми **105,0 млн долларга**етказилди.

Ўтган даврда “Чашма” мажмуаси, Қосим Шайх масжиди, Мавлоно Ориф Деггароний зиёратгоҳи сингари **10дан**зид муқаддас қадамжоларни обод этиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб, бугунги кунда мазкур муқаддас масканла нафақат маҳаллий туристлар, балки хорижлик меҳмонларга ҳам хизмат кўрсатмоқда.